

И.ф.н., доц. Эгамкул НОСИРОВ

Тошкент молия институти

ХУДУДЛАР ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Мақолада мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳудудларнинг ўрни, хусусан республика ЯИИМда ҳар бир ҳудуднинг салмоғи, мамлакат ҳудудларида ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари, ҳудудларда қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини етиштириши ва ҳудудлар бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми таҳлил қилинган бўлиб, бу борада юзага келган тенденциялар аниқланган ва ҳудудлар инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш юзасидан тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: инвестициялар, инвестиция муҳити, инвестиция сиёсати, инвестиция салоҳияти, интеллектуал салоҳият, инфратузилма, ишчи кучи, бозор сиғими, ЯИИМ.

EFFICIENT USE OF REGIONAL INVESTMENT POTENTIAL

The article analyzes the role of regions in the socio-economic development of the country, in particular, the share of each region in the creation of the country's GDP, consumer goods produced in the regions of the country, agricultural production in the regions, the volume of investment in fixed capital by region, recommendations are given for effective use of potential.

Keywords: investments, investment climate, investment policy, investment potential, intellectual potential, infrastructure, labor force, market capacity, GDP.

Кириш

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш мамлакатда қулай инвестиция муҳитини яратиш ва ҳудудлар инвестиция жозибadorлигини оширишга қаратилган инвестиция сиёсати олиб боришни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз ва унинг ҳудудларига киритилаётган инвестициялар ҳажми уларни қабул қилиш имкониятлари даражасида эмас. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ҳудудларига инвестицияларни фаол жалб қилиш мақсадида ҳудудлар инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш масаласига устувор вазифалардан бири сифатида қаралиши лозим. Шу боис, бугунги кунда ички ва ташқи инвестицияларни ҳудудларга фаол жалб қилиш, уларнинг ҳажмини кўпайтириш ҳамда ҳудудларда инвестициялардан самарали фойдаланиш имкониятларини тадқиқ этиш йўналишларида илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатимизда иқтисодий ўсишни инвестицияларга бевосита боғлаган ҳолда “... иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади <http://www.stat.uz>” - деган фикрни билдиради. Гарвард университети тадқиқотларига кўра, мамлакатимиз 50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имкониятлар ва нисбий устунликларга эга. Айниқса, нефтгаз-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-поябзал, озиқ-овқат ҳамда “яшил иқтисодиёт” билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз “драйверлари”га айланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд. Бу тармоқларда хусусий секторнинг ташаббуслари ва янги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда кооперацияни ривожлантириш бўйича барча чоралар кўрилиши лозим [1].

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Ж.М.Кейнс “Иш билан бандлик, фоииз ва пулнинг умумий назарияси” номли асарида инвестициялар, бандлик, истеъмол ва даромад ўртасида боғлиқликни ифодаловчи макроиқтисодий моделни ишлаб чиқди ва бунда давлатнинг роли ва иштирокини кўрсатиб берди [2].

Ю.А.Гаджиев, В.И.Акопов ва Т.С.Крестовскихларнинг таъкидлашича, инвестиция муҳитининг интеграл рейтинги инвестиция салоҳияти ва инвестиция хатарларини ўз ичига олади. Улар ёндашувларида, умуман олганда, инвестиция жозибadorлиги нафақат молиявий-иқтисодий омилларга, балки қонунчилик, бошқарув, ижтимоий ва экология соҳаларидаги рисклар, инфратузилма, инновация, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятига ҳам боғлиқ эканлиги асосланган [3].

Г.Г.Фетисов мамлакат инвестиция салоҳиятини баҳолашнинг учта ёндашувини таклиф этади. Биринчи ёндашувда ЯИМ ва миллий даромад динамикаси, саноат ишлаб чиқариш ҳажми, миллий даромаднинг тақсимланиши, жамғарма ва истеъмолнинг ўзаро нисбати, инвестиция фаолиятини бошқаришнинг ҳуқуқий ҳолати, хусусийлаштириш жараёнлари, капитал бозорининг ривожланиши билан боғлиқ макроиқтисодий кўрсаткичларни баҳолашга асосланади. Кўп омилли бўлган иккинчи ёндашувда эса, инвестиция салоҳиятига таъсир кўрсатувчи ўзаро боғланган кенг қўламли омиллар, хусусан иқтисодий салоҳият, иқтисодий фаолиятнинг умумий шарт-шароитлари, бозор муҳитининг ривожланганлиги, сиёсий вазият, ижтимоий-маданий жиҳатлар, ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий омиллар келтирилади. Инвестиция салоҳиятини баҳолашнинг учинчи ёндашуви эса, мутлоқ статистик кўрсаткичларни баҳолашга асосланади.

Бунда салоҳият хом-ашё ресурлари, ишлаб чиқариш, истеъмол, инфратузилма, инновация, меҳнат ва молия салоҳиятларидан иборат интеграл кўрсаткичлар асосида баҳоланади[4].

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан А.М.Содиқовнинг ёндашувига кўра, муайян минтақада инвестиция салоҳияти ундаги табиий ресурс, ишлаб чиқариш, истеъмол, инфратузилма, инновация, меҳнат, институционал ва молиявий салоҳият билан аниқланади. Мазкур олимнинг тадқиқотларида келтирилишича, фақатгина минтақанинг табиий-иқтисодий, демографик, экологик ва бошқа шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олибгина капитални жалб қилишдан кутилаётган самарага эришиш ва уни иқтисодиётни жадал ривожлантиришга йўналтириш мумкин [5].


Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимизда 2022 йилда яратилган ЯИМни ҳудудлар бўйича тақсимотини ўрганиб чиқадиган бўлсак, мамлакатимиз ЯИМда салмоғи катта бўлган ҳудуд бу - Тошкент шаҳри ҳисобланади. Тошкент шаҳрининг мамлакат ЯИМдаги ҳиссаси 20 фоизга тўғри келади, ундан кейин Тошкент вилояти 12 фоиз, Навоий вилояти 9 фоиз, Самарқанд вилояти 8 фоизли салмоққа эга эканлигини кўришимиз мумкин. Шу билан биргаликда, мамлакат ЯИМда энг кам улуш 2 фоиз кўрсаткич билан Сирдарё вилоятига тўғри келади. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Жиззах вилоятларининг кўрсаткичлари ҳам паст бўлиб, мазкур ҳудудларнинг мамлакат ЯИМдаги салмоғи 4 фоизни ташкил этади.




1-расм. 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси ЯИМда ҳудудларнинг улуши, фоизда [6]

2022 йилда мамлакатимиз ҳудудларида ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ҳажмини таҳлил қиладиган бўлсак, мамлакатимиз ҳудудлари бўйича энг юқори кўрсаткич 36,5 трлн. сўмдан ортиқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарган Андижон вилояти ва 33,3 трлн. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарган Тошкент шаҳрига тўғри келади.




2-расм. 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ҳажми, млрд. сўмда [6]

Шу билан биргаликда, энг паст кўрсаткичга эга бўлган вилоятлар сифатида Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари мос равишда 1,7 трлн. ва 2,0 трлн. сўмга тенг бўлган истеъмол товарлари ишлаб чиқариб, бу борада қолган вилоятлардан ортда қолганлигини кўришимиз мумкин.



3-расм. 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми, млрд. сўмда [6]

Мамлакатимиз ҳудудларида 2022 йилда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини таҳлил қиладиган бўлсак, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда Самарқанд вилояти (41,8 трлн. сўм), Андижон вилояти (35,8 трлн. сўм), Бухоро вилояти (33,2 трлн. сўм), шунингдек, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари (32-33 трлн. сўм атрофида) етакчилик қилмоқда.



4-расм. 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, млрд. сўмда [6]

Агар 4-расмда келтирилган маълумотлар таҳлиliga эътиборимизни қаратадиган бўлсак, 2021 йилда мамлакатимиз ҳудудларида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми бўйича Тошкент шаҳри етакчилик қилмоқда ва мазкур шаҳарда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми 58,1 трлн. сўмни ташкил этган. Ундан кейинги кўрсаткич Тошкент вилоятида (28,1 трлн. сўм) ва Бухоро вилоятида (20,5 трлн. сўм) қайд этилган. Шу билан биргаликда, асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми бўйича энг паст кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси (8,1 трлн. сўм), Хоразм (8,3 трлн. сўм) ва Сирдарё (8,0 трлн. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Юқорида амалга оширилган таҳлиллар натижасига кўра хулоса қиладиган бўлсак, мамлакат ЯИМда ҳудудлар салмоғи бўйича Тошкент шаҳри Тошкент, Навоий ва Самарқанд вилоятлари етакчилик қилмоқда. Шунингдек, мамлакат ҳудудларида ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ҳажми бўйича Тошкент шаҳри ва Андижон вилояти олдинги ўринларда бормоқда. Республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш борасида Самарқанд, Андижон ва Бухоро вилоятлари бош бўлмоқда. Мамлакат ҳудудларида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми

бўйича Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятлари етакчилар қаторидан жой олган. Бироқ, юқорида қайд этилган кўрсаткичлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари ортида қолмоқда ва мазкур ҳудудлар ўз инвестиция салоҳиятларидан етарлича фойдалана олмаяпти.

Хулоса

Ҳудудлар инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган илмий тадқиқотлар асосида қуйидаги муҳим хулосалар олинди:

1. Мамлакатимизда инвестицион муҳит табиий шароит, ер ости ва ер усти бойликлари заҳираси, ишчи кучи малакаси, валюта ва солиқ сиёсати, кредит тизими, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, ички бозор сиғими, иқтисодий конъюнктура ҳолати, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар даражаси каби омиллар орқали белгиланади.

2. Мамлакатимиз ҳудудларининг инвестиция салоҳиятидан унумли фойдаланиш янги иш жойларини яратиш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш орқали иқтисодиётни юксалтириш ва мамлакатда инвестиция фаоллигини оширишга хизмат қилади.

3. Ҳудудларнинг рақобатдош устунликларини тавсифловчи ва унинг инвестиция имкониятларини баҳолашда ҳисобга олинadиган асосий омиллар сифатида ҳудудлар инфратузилмаси, интеллектуал ва инновацион салоҳият, ҳудудларнинг табиий хусусиятлари, шу жумладан географик жойлашуви, табиий ресурслар ва бошқаларни келтириш мумкин.

Адабиётлар рўйхати

1. www.uza.uz/ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2021 йил 19 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

2. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег / Пер. с англ. под ред. А.Г. Милейковского и И.М. Осадчей. М.: Прогресс, 1978. - 1650 с.;

3. Фетисов Г.Г. Методы оценки инвестиционного климата регионов России и пути его улучшения. URL: http://www.elitarium.ru/2011/05/30/ocenka_investicionnogo_klimata.html

4. Гаджиев Ю.А., Акопов В.И., Крестовских Т.С. Экономика северных регионов России: инвестиции в основной капитал// Проблемы прогнозирования. 2012. №5. С. 86-100.

5. Садыков А.А. Основы регионального развития: теория, методология, практика/ Монография. Ташкент. «IQTISOD-MOLIYA», 2005. С. 198 – 201.

6. <http://www.stat.uz>